YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil, 18-avgust, seshanba
№101 (5321)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 17 август куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Президентимиз ҳудудда саноат, таълим, транспорт, туризм ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган янги лойиҳалар ҳамда яратилган инфратузилма билан танишди.

Шунингдек, Президентимиз иштирокида Хоразм вилоятидаги янги лойиҳаларни ишга тушириш ва истиқболли ташаббусларни амалга оширишга старт бериш маросими бўлиб ўтди.

Ташриф доирасида 18 август куни тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқот бўлиб ўтади.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи ҳамда тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқот тафсилотлари билан батафсил танишиш учун қуйидаги ҳаволага ўтинг:



«Ishonch» эслатмаси

Ходимнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқи бор



Ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилса, у ўз ҳуқуқини мустақил равишда ҳимоя қилишга ҳақли. Бунинг учун ҳар доим ҳам тегишли органларга мурожаат қилиш шарт эмас. Жумладан, у иш берувчисини ёки бевосита раҳбарини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда:

- ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ишни;
- меҳнат шартномасида назарда тутилмаган ишни;
- қонунга хилоф ёки ўзи ва бошқаларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматига хавф соладиган ҳаракатларни бажаришни рад этиши мумкин.

Муҳими, қонун йўл қўйган ҳолатларда ишни рад этган вақтда ходимнинг меҳнат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқлари сақланиб қолади. Шунингдек, иш берувчи ходимнинг қонуний равишда ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланишига тўсқинлик қила олмайди. Бундай ҳуқуқдан фойдалангани учун ходимни таъқиб қилиш ҳам тақиқланади.

Асос: *Меҳнат кодексининг 530 – 532 ва 533-моддалари.*

«ЎЗБЕКИСТОН БИЗНИ МАФТУН ЭТДИ»

туркиялик бир гуруҳ болалар юртимизда саёҳатда бўлишди

>>> 4



Фахр

СИНХРОН СУЗИШ СПОРТИДА ЯНГИ САҲИФА

12-16 август кунлари Венгриянинг Будапешт шаҳрида ўсмирлар ўртасида синхрон сузиш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Нуфузли мусобақада Ўзбекистон шарафини ёш ва истеъдодли касаба уюшма спортчиси Дарья Кочнева ҳимоя қилди. 14 ёшли спортчимиз чемпионатда техник ва эркин яккалик дастурларида иштирок этиб, Ўзбекистон синхрон сузиши тарихида янги саҳифа очди.

Унинг мусобақадаги энг катта ютуқларидан бири эркин яккалик дастурида жаҳон чемпионати финалига йўл олгани бўлди.

Мусобақанинг саралаш босқичида Дарья Кочнева 223,5151 балл жамғариб, энг кучли иштирокчилар қаторидан жой олди ва жаҳон чемпионати финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Финал босқичида эса 231,6738 балл тўплаб жаҳон чемпионатининг энг кучли 10 нафар спортчиси сафига қўшилди.

Дарья техник яккалик дастурида ҳам Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Ушбу йўналишда 214,8917 балл жамғарган спортчимиз 12-ўринни эгаллади.

Будапештдаги мусобақада Дарья Кочневанинг қайд этган натижалари юртимизда синхрон сузиш спортига қаратилаётган эътиборнинг маҳсулидир.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»

Марказий Осиёда сунъий ёмғир ёғдириш технологияси синовдан ўтказилмоқда

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:

Тадбир

«МЕҲР БИЛАН МАКТАБ САРИ»

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Меҳр билан мактаб сари» номли маърифий-ижтимоий тадбир ташкил этилди.

Меҳр-оқибат, саховат, инсонпарварлик ва ижтимоий ҳамжиҳатлик каби юксак қадриятларни кенг тарғиб этиш, таълим соҳаси ходимлари ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббус доирасида Тошкент шаҳридаги муассасаларда меҳнат қилаётган касаба уюшмаси аъзоларининг 85 нафар фарзандига янги ўқув йили учун зарур бўлган ўқув қуроллари топширилди.

Тадбирда таълим тизимида узоқ йиллар давомида фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган 7 нафар педагог ва ходимга санаторийларга бепул йўлланмалар ҳам топширилди. Бу эса устоз ва мутахассисларнинг самарали меҳнатини эътироф этиш, уларнинг саломатлигига эътибор қаратиш ва касбий фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг амалий ифодаси бўлди.

– Уч йилдан буён тарбиячи сифатида фаолият юритаман, – дейди Мунира Ибрагимова. – Касбимиз катта масъулият талаб қилади, чунки биз болаларга нафақат билим ва кўникма берамиз, балки уларнинг шахс сифатида шаклланишига ҳам ҳисса қўшамиз. Бугун менга санаторийга бепул йўлланма топширилгани, аввало, меҳнатимизга кўрсатилаётган эътибор ва ҳурматнинг белгиси сифатида қувонтирди.

«Меҳр билан мактаб сари» лойиҳаси бир томондан болаларни янги ўқув йилига тайёрлашда оилаларга амалий кўмак бўлса, иккинчи томондан, таълим соҳаси фидойилари меҳнатини қадрлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан эътиборга молик.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

Жиззах

Жиззах вилоятидаги мавжуд 9 та болалар ёзги оромгоҳида жорий йилги мавсум ўз ниҳоясига етди.

Ёзги соғломлаштириш

МАВСУМ МАРОҚЛИ ЎТДИ

Шу муносабат билан уюштирилган хайрлашув кечаларида кўрик-танлов ва мусобақаларда юқори натижаларга эришган болажонлар билан бирга, уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришларига ҳисса қўшган педагог ва етакчилар ҳам тақдирланди.



Таъкидлаш керак, жорий мавсумда оромгоҳлар фаолияти 5 навбатда ташкил қилинди ва 4691 нафар ўқувчи қамраб олинди. Яна бир маълумот: Зомин туманида жойлашган 150 ўринли «Юлдузча», Шароф Рашидов туманидаги 270 ўринли «Energy» ҳамда Шароф Рашидов номидаги болалар оромгоҳи касаба уюшмаларига қарашлидир.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Контракт учун тўланган маблағларга даромад солиғи солинмайди

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:

Статистика

Ўзбекистонда саноат зоналари ва технопарклар сони қанча?

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, **2026 йилнинг 1 июль ҳолатига** Ўзбекистонда **34 та** махсус иқтисодий зона, **400 та** кичик саноат зонаси, **27 та** технопарк, **354 та** кластер ҳамда **163 та** ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси фаолият юритмоқда.

УЛАРНИНГ ТАРКИБИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИ ҚУЙИДАГИЧА:

технопаркларда – **4 302 та;**
кичик саноат зоналарида – **3 187 та;**
ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида – **1 289 та;**
махсус иқтисодий зоналарда – **1 167 та;**
кластерларда – **384 та.**

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

Агар ҳикматга бўлса илтифотинг,
Ки, бўлсин Нуҳ умрича ҳаётинг.
Алишер Навоий

Фаолият

ИШ МУҲИТИ ЭРКИН ВА ҚУЛАЙ БЎЛСИН

хотин-қизлар меҳнат жамоаларида ўзларини қандай ҳис этишмоқда?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши томонидан хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозир ҳудуддаги 4864 та юридик мақомга эга корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжалигида 176 069 нафар ходим фаолият юритмоқда. Уларнинг 68 138 нафари, яъни 37,8 фоизини аёллар ташкил этади. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномаларига хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган бандлар киритилмоқда.

2026 йил – «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» дастури доирасида бугунга қадар 104 та корхона, ташкилот ва муассасада икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши таътилида бўлган 105 нафар ёш онага 67,2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, 54 та нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган болали 65 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди. Бунинг учун иш берувчилар томонидан 61,3 миллион сўм маблағ сарфланди. Тўққизта корхона, ташкилот ва муассасада тўққиз нафар ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун 63,7 миллион сўмлик фоизсиз ссудалар ажратилди.

Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш доирасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан 22 нафар ишлаётган ногирон ва пенсионер аёлга 128,9 миллион сўмлик санаторий йўлланмалари бепул берилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги тармоқ касаба уюшмалари хизматидаги бошланғич касаба уюшмаси аъзоси бўлган 4164 нафар хотин-қизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларидаги тарихий ва диққатга сазовор масканларга бепул саёҳатлари ташкил этилди.

Касаба уюшмалари ташкилотлари вакиллари томонидан 828 нафар фуқарога, жумладан, 236 нафар хотин-қизга меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалалар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Бу вилоятда хотин-қизларнинг нафақат меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки уларни ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам амалий ишлар олиб борилаётганини кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, ҳудудда хотин-қизларнинг меҳнат, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Навбатдаги вазифа бу ишларни тизимли давом эттириб, ҳар бир меҳнат жамоасида хотин-қизлар ўзлари ҳимояланган, қадрланган ва эркин ҳис этадиган муҳитни яратишдан иборатдир.

Дилнавоз САИДОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: 2018 йилда узоқ муддатга ипотека кредити олгандим. Айни пайтда молиявий аҳволим яхши эмас. Шу боис кредит таътили олмоқчиман. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Диёр ҒУЛОМОВ
Тошкент вилояти

КРЕДИТ ТАЪТИЛИ ОЛСАМ БЎЛАДИМИ?

ЖАВОБ: Кредит таътили – бу молиявий қийинчиликка дуч келган қарздорга банк томонидан бериладиган имтиёзли давр. Ушбу хизмат давомида асосий қарзни тўлаш вақтинча тўхтатиб турилади ёки ойлик тўлов миқдори камайтирилади.

Таътилнинг учта асосий тури мавжуд. Улар асосий қарзни вақтинча музлатиб, фоизларни тўлаб бориш, ҳам асосий қарз, ҳам фоиз тўловларини тўлиқ тўхтатиб туриш ҳамда кредит муддатини узайтириш (пролонгация) орқали ойлик тўлов миқдорини камайтиришдан иборат.

Бунинг учун қарздор банкка расмий ҳужжатлар билан тасдиқланган асосли сабабларни, масалан, иш жойини йўқотганлигини, даромади сезиларли даражада камайганини, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги ёки фавқулодда ҳолатлар ҳамда моддий талафотни кўрсатиши шарт.

Расмийлаштирилган кредит таътили муддати ўтган қарздорлик сифатида қайд этилмайди ва мижознинг кредит тарихини бузмайди. Имтиёзли давр мобайнида кечиктирилган тўловлар учун пеня ва жарималар ҳисобланмайди.

Сиз кредит таътилидан фойдаланиш учун тўлов бўйича кечикиш вужудга келмасидан олдин банкка молиявий ҳолатингиз ёмонлашганини тасдиқловчи барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ариза йўлланг. Банкнинг кредит комиссияси мурожаатингизни кўриб чиқиб, ижобий қарор қабул қилса, тарафлар ўртасида янги тўлов жадвалини белгиловчи қўшимча келишув имзоланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Байрам шукуҳи



«ЭЪТИБОРДАН БЕҲАД МИННАТДОРМИЗ»

Наманган шаҳри таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси «Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!» бош ғояси асосида ташкил этаётган тадбирларда эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинмоқда, фидойи педагоглар рағбатлантирилмоқда ҳамда меҳнат фахрийлари эъзозланмоқда. Зеро, ўзаро ҳамжиҳатлик ва инсонга бўлган юксак эътибор мана шундай дамларда билинади.

Меҳнат жамоаларида ўтказилаётган «Маърифат соатлари»да эса мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, тинчлик ва осойишталик, жамиятдаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби эзгу қадриятлар ҳақида атрофлича фикр юритилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти кенг тарғиб қилинмоқда.

Албатта, байрам тадбирлари фақат маънавий-маърифий учрашувлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Бунда инсон манфаати, оилалар фаровонлиги ва фарзандлар келажагига дахлдор амалий ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этяпти. Жумладан, 2026 йил – «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш» йили давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда Мустақилликнинг 35 йиллиги муносабати билан тизимдаги ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган кўп болали, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ходимлар фарзандларидан 300 нафарига мактаб сумкалари ва 10 турдаги ўқув қуроллари тарқатилди.

Бир қарашда бу оддий совға бўлиб туюлиши мумкин. Аммо унда боланинг таълимига, оила ташвишига, инсон қадрига бўлган эътибор мужассам. Айниқса, янги ўқув йили арафасида бундай кўмак оилалар учун катта мадад бўлиб, ўқувчиларнинг мактабга янада кўтаринки кайфиятда боришига хизмат қилади.

Бундан ташқари, Наманган шаҳридаги 76-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси – байналмилал жангчи Акрамжон Абдураҳмоновга «Чимён», 3-умумий ўрта таълим мактаби техник ходими Муборакхон Абдуллаева ҳамда 4-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Минирахон Ҳожимирзаевага «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланмалар топширилди.

– Эътибор ва ғамхўрликдан бошим кўкка етди, – дейди Акрамжон Абдураҳмонов. – Байрам арафасида берилган бу имтиёз дилимда ўзгача ҳис-туйғуларни уйғотди. Инсон ўзи қадрланган жойда яйраб ишлайди, келажакка ишончи ортади.

Бу каби хайрли амаллар фақат байрам кунлари эмас, балки йил – ўн икки ой давом этиб келяпти. Таълим соҳасида узоқ йиллар фаолият юритган меҳнат фахрийларини йўқлаш, бугун фаол ишлаётган ходимларни рағбатлантириш, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, турли спорт мусобақалари ташкил этиш шулар жумласидандир. Бундан кўзланган мақсад – инсонни қадрлаш, меҳнатини эъзозлаш, оила ва фарзандларига қувонч улашишдан иборатдир.

Акмалжон УМАРОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳри кенгаши раиси



МАҲОРАТ ВА ЧАҚҚОНЛИК СИНОВИ

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг VII тармоқ спартакиадаси вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент вилоятининг «Юқоричирчиқ спорт мактаби» Марказий ўйингоҳида ўтказилган спорт байрамида 6 та жамоага бирлашган 90 нафар ходим иштирок этиб, бир нечта спорт турлари бўйича ўз куч ва маҳоратларини синаб кўрди.

Тадбирнинг қизиқарли лаҳзалари жамоавий беллашувларда кузатилди. Арқон тортишда куч, бирдамлик ва аниқ ҳаракат уйғунлиги ғолибни белгилаган бўлса, мини-футболда жамоаларнинг тактик маҳорати ва чаққонлиги синовдан ўтди.

Бу мусобақада «ЎзТМК» АЖ жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. «ТТЗ» МЧЖ ва «Ўзметкомбинат» жамоалари мос равишда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Мини-футболда эса «ТТЗ» АЖ жамоаси барча рақибларидан устун келиб, ғолибликни қўлга киритди. «Ўзметкомбинат» иккинчи, «ЎзТМК» жамоаси учинчи ўрин билан кифояланди.

Шахмат мусобақасида «ЎзТМК» ходими Холмат Абдумуталов эркаклар ўртасида энг юқори натижани қайд этди. Аёллар баҳсида эса мазкур жамоа вакили Шохиста Инагамова ғолиб бўлган бўлса, шашкада «Ўзметкомбинат» ходими Достон Ҳусайинов эркаклар ўртасида, шу корхона вакили Мафтуна Юлчибоева аёллар ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Стол теннисида ҳам «Ўзметкомбинат» вакиллари юқори натижа кўрсатди. Эркаклар ўртасида Маҳмуд Пардабоев, аёллар баҳсида Азиза Жумаева ғолибликни қўлга киритди. Сузиш бўйича эркаклар ўртасида Эржон Ақилбеков энг яхши натижани қайд этди.

Аёллар ўртасидаги дартс баҳсида эса «ТТЗ» МЧЖ вакили Розия Боймирзаева биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар «Ўзметкомбинат» ходими Мафтуна Юлчибоева ҳамда «ЎзТМК» вакили Нигина Ҳакимовага насиб этди.

Спорт мусобақалари ходимларнинг жисмоний фаоллигини ошириш билан бирга, улар ўртасидаги ўзаро мулоқот ва ҳамкорликни ҳам мустаҳкамлади.

Шерали ҲОЖИМУРОДОВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

1211 эшитади...

ДАРДМАНД КЎНГИЛЛАРГА ДАЛДА

Фуқаронинг дардини эшитиш, муаммосини чуқур ўрганиш ва ҳал этиш ниҳоятда масъулиятли ишдир. Буни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар масалалари бўйича «Ишонч телефони»га келган қўнғироқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бойсун туманининг «Мустақиллик» маҳалласида яшовчи Феруза Жўраева уч нафар фарзанди борлигини, улардан бири ҳали вояга етмаганини маълум қилди. У 2011 йилда турмуш ўртоғи Тўлқин Тошпўлатов билан ажрашган. Фарзандларини боқиб, тарбиялаш, айниқса, кичик ўғли Озодбекнинг жиддий хасталиги катта ташвишга айланган. Уни даволатиш учун зарур маблағ етишмаслиги, устига устак, отаси кейинги пайтларда алимент пулларини бермай қўйгани вазиятни янада мураккаблаштирган.

Мурожаат масъуллар томонидан назоратга олиниб, атрофлича ўрганилди. Тегишли идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилган ҳуқуқий ва амалий чоралар ўз самарасини берди. Натижада қарздор отадан 6 миллион 162 минг сўм миқдорида алимент маблағи ундирилиб, Феруза Жўраевага етказиб берилди.

«Ишонч телефони»га келиб тушган яна бир мурожаат Шеробод тумани «Олтин воҳа» маҳалласида яшовчи Ойрўша Темировадан бўлди. У турмуш ўртоғи билан ажрашганини, икки нафар фарзанди борлигини ва оиласи кам таъминланганлар рўйхатида турishini билдирган. Шу билан бирга, уйи таъмирталаб ҳолга келиб қолганини баён этган. Эшик ва деразалар олиб беришда амалий ёрдам сўраган.

Бу мурожаат ҳам масъул ташкилотлар томонидан ўрганилди. Шу жараёнда Ойрўша Темированинг фарзандларига ҳар ой болалар нафақаси тайинлангани, яқинда оилага 1 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилгани аниқланди. Шунингдек, хонадонни таъмирлаш учун ҳомийлик маблағлари ҳисобидан зарур қурилиш материаллари – тош, цемент ва эшиклар олиб берилди.

Бундай кўмаклар бир оиланинг кундалик эҳтиёжини қондиришдан ташқари унга «Сиз ёлғиз эмассиз» деган далда бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Оламда бугун

Макка келишувига АҚШдан олқиш

АҚШ президенти Дональд Трамп Туркия, Саудия Арабистони ва Покистон ўртасида имзоланган қўшма мудофаа тўғрисидаги Макка келишувини «катта, дадил ва муҳим» қарор сифатида баҳолар экан, тўлиқ қўллаб-қувватлади.



7 август куни Маккада имзоланган келишувга кўра, уч мамлакатдан бирига қилинган қуролли ҳужум уларнинг барчасига қарши тажовуз сифатида баҳоланади. Томонларнинг таъкидлашича, ҳужжат минтақавий хавфсизлик ва ўзаро мудофаани мустаҳкамлашга қаратилган. Келишув доирасида сиёсий ва ҳарбий мувофиқлашувни кучайтириш, қўшма ҳарбий машғулотлар ўтказиш, разведка ва мудофаа саноати соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилган.



Бразилия танлов арафасида

Бразилия президентлиги учун асосий даъвогарлар – амалдаги давлат раҳбари Луис Инасиу Лула да Силва ва сенатор Флавиу Болсонару сайлов кампаниясини бошлади.

Лула да Силва кампанияга ўзининг сиёсий фаолияти бошланган Сан-Бернарду-ду-Кампу шаҳрида старт берди. У кўп йиллар аввал касаба уюшмаси етакчиси сифатида оммавий чиқишлар ўтказган ҳудудда 10 мингдан ортиқ тарафдори олдида нутқ сўзлади.

Ўнг қанотнинг асосий номзоди Флавиу Болсонару эса кампаниясини Рио-де-Жанейродаги Копакабана соҳилида ўтказилган митинг билан бошлади. У нутқида отаси – собиқ президент Жаир Болсонаруни бир неча бор тилга олди. Собиқ президент давлат тўнтаришига уриниш билан боғлиқ жиноятлар учун судланган ва айни пайтда соғлиғи сабаб уй қамоғида жазо ўтамоқда.

Бразилияда президентлик сайловининг биринчи тури 4 октябрда ўтказилади. Агар ғолиб аниқланмаса, иккинчи тур 25 октябрда бўлиб ўтади.

Дунё инсон учун керак – одам унинг асл моҳиятини тушуниб олиш учун яратилган, шу боис ҳам дунё турибди.

Чингиз Айтматов

Бугуннинг мавзуси

МОЛГА «ПАСПОРТ» НЕГА КЕРАК?

ёхуд уй ҳайвонларини идентификация қилиш сабаблари ва мақсадлари ҳақида



7 августдан бошлаб «Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Ҳозирча бу иш ихтиёрий, 2028 йил 1 январдан эса мажбурий тартибда амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳайвонларни идентификация қилиш – молга паспорт бериш эмас, аксинча, уни электрон рўйхатга олиш тизими. Бундан кўзланган мақсад улар ҳисобини юритиш, касалликларнинг олдини олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ноқонуний сўйиш ва қаллобликка чек қўйишдан иборат.

Аслида 2017 йилдаёқ ҳайвонларга ветеринария паспорти ва индивидуал идентификация рақами бериш тартиби белгиланган. 2023 йилда эса бу бўйича алоҳида қарор қабул қилинган. Электрон тизимни жорий қилиш учун давлат бюджетидан 33 миллион доллар йўналтирилган ва уни икки босқичда амалга ошириш кўзда тутилган. Қарорда ветеринария қўмитаси ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасида масъул орган этиб тайинланган эди.

Бу тажриба ривожланган давлатларда аллақачон амалда. Хусусан, Европа тажрибаси бунга жуда яхши мисол. У ерда паспорт ҳайвоннинг микрочип рақами, тури, зоти, жинси, ранги, туғилган санаси, эгасининг маълумотлари, ветеринар маълумотлари, қутуришга қарши эмланишлари каби маълумотларни бир жойга жамлайди. Жонзотга тақилган микрочип ягона идентификация тизимига боғланади. Яъни Европа моделида мантиқ шундай: ҳайвон → микрочип → ягона рақам → электрон база → ветеринар → вакцинация тарихи → эгаси. Шунда кўчада топилган ит ёки мушукнинг чипи сканер қилинса, унинг кимга тегишли эканини аниқлаш мумкин.

Албатта, улар бу тизимга бирданига келишмаган. Уларда уй ҳайвонини ветеринарга олиб бориш, парвариш қилиш маданияти анча шаклланган. Бизда эса жонзотни умуман ветеринарга кўрсатмайдиган, вакцина қилдирмайдиган, кўчага қўйиб юборадиган, кучук ёки мушукларни қаровсиз қолдирадиган ёки дуч келган жойга ташлаб кетадиган одамлар кўп.

Шундай экан, биз бунга тайёрмизми? Дейлик, фуқаро сигирини ветеринарга олиб борди. Унга чип ўрнатилди. Паспорт берилди. Ундан кейин-чи? Маълумот қаерга тушади? Ягона республика базаси яратилдими?

– Тизимнинг асосий мақсади фуқароларга муаммо яратиш эмас, ҳайвонлар ва уларнинг эгалари ҳақида ягона электрон базани шакллантириш кўзда тутилган, – дейди Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ҳузуридаги Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш маркази мутахассиси Ғайрат Қўзибоев. – Қолаверса, бу ҳайвон орқали юқадиган юздан зиёд касалликларни назорат қилиш имконини ҳам беради. Масалан, бир ҳудудда куйдирги, қутуриш, бруцеллёз ёки бошқа хавфли касаллик аниқланса, идентификация орқали касаллик қайси ҳайвонлар билан боғлиқ экани ва хавф қай даражада тарқалганини тезкорлик билан аниқлаш мумкин.

Идентификация чорвачилик учун ҳам муҳим. У орқали ҳайвонларнинг ҳаракати, наслчилик, эмлаш, сунъий уруғлантириш ва бошқа ветеринария тадбирлари тизимли олиб борилади. Шунингдек, гўшт, сут каби маҳсулотларнинг келиб чиқиши, ҳайвоннинг соғлиғи ҳамда ветеринария назоратидан ўтгани ҳақида маълумот шаклланади. Бу истеъмолчилар ишончини ошириб, назоратсиз маҳсулотларнинг бозорга чиқишини чеклайди.

Давлат учун эса ҳайвонларнинг сони, жойлашуви ва ҳаракати ҳақида аниқ маълумотлар шаклланади. Бу ветеринария назорати, эпидемияларнинг олдини олиш ва соҳани режалаштириш самарадорлигини оширади.

Одатда қорамол, қўй, эчки ва туялар туғилганидан кейин 14 кун ўтгач, отлар 4 ойдан сўнг, чўчқалар 1 ой, ит ва мушуклар эса 3 ойдан сўнг идентификация қилинади. Белгиланган муддат тугагач, улар бир ой ичида электрон рўйхатга олинади.

Идентификация усули ҳайвон турига қараб фарқ қилади. Қорамол, қўй, эчки ва туяларга икки қулоғига бир хил рақамли сариқ бирка тақилади. Уларнинг ҳар бирида Ўзбекистон белгиси, ҳудуднинг ҳарфли коди, ҳайвон турини билдирувчи рақам, қўмита логотипи ва QR код бўлади. Масалан, ҳудудлар автомобиль давлат рақамларидаги каби сонлар эмас, ҳарflар билан белгиланган: А – Қорақалпоғистон Республикаси, В – Андижон вилояти, М – Тошкент вилояти. Ҳарфдан кейин ҳайвон турини билдирувчи рақам келади: 1 – йирик шохли мол, 2 – майда шохли мол, 3 – от ва бошқа турлар учун алоҳида рақамлар белгиланган. Кейин эса ҳар бир ҳайвонга хос такрорланмас идентификация рақами берилади. Ит ва мушукларга эса микрочип ўрнатилади.

2030 йилгача ушбу тизим орқали ҳайвондан олинган маҳсулотларни ҳам тўлиқ кузатиш имкони яратилади. Дейлик, гўштдаги QR кодни сканер қилганда ҳайвоннинг қайси хўжаликда парваришлангани, ёши, зоти, эмлаш тарихи ва ветеринария назоратидан ўтгани ҳақида маълумот кўринади. Шу тарзда маҳсулотнинг келиб чиқиши ва хавфсизлиги тўлиқ назоратга олинади.

Бирка ва микрочиплар хориждан олиб келинган. Улар халқаро тажриба асосида танланган ва миллий стандарт талабларига жавоб беради. Юқори ҳароратга чидамли, ранги ўчмайди ва узилиб кетмайди. Масалан, қорамол учун иккита қулоқ биркасидан иборат тўпламнинг халқаро бозордаги нархи ўртача 1 доллар ёки ундан арзонроқ туради.

– Дейлик, ҳайвоннинг эгаси ва ҳудуди алмашса, у ҳақдаги маълумотлар ҳам ўзгарадими?

– Идентификация рақами ҳайвонга умри давомида фақат бир марта берилади ва бошқа ҳайвонда такрорланмайди. Фақат эгаси ҳақидаги маълумот янгиланади, рақам эса ўзгармайди.

Ҳар бир рақам ягона электрон базага киритилади. Шу рақам орқали ҳайвоннинг рўйхатдан ўтган ҳудуди, эгаси, ветеринария тадбирлари ва бошқа маълумотлар кўринади. Ҳозирга қадар 3,7 миллиондан ортиқ чорва ҳайвони идентификация қилинган.

Ҳайвон сўйилса, нобуд бўлса, ўлса, йўқ қилинса ёки мамлакатдан олиб чиқилса, у етти кун ичида электрон рўйхатдан чиқарилиши керак. Бунинг учун жонзот эгаси ветеринария участкаси шифокорига мурожаат қилиши лозим.

Ҳайвон сўйилганда ҳам бу маълумот базада қайд этилади. Аввал ветеринария кўриги ўтказилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади. Шундан кейин электрон рўйхатдан чиқарилиб, мақоми «сўйилган» деб белгиланади. Бу маълумотлар ва статистика фақат ваколатли ветеринария ходимлари учун очиқ.

– Базада сақланадиган маълумотлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Маълумотлар Vis-Chinor электрон ахборот тизимида сақланади. Базага фақат махсус логин ва паролга эга давлат ветеринария хизмати мутахассислари кира олади. Улар ҳайвон ва унинг эгаси ҳақидаги маълумотларни киритади. Тизим давлат ахборот базалари билан интеграция қилинган бўлиб, ветеринария назоратини рақамли шаклда юритишга хизмат қилади. Агар ҳайвон эгаси жисмоний шахс бўлса, унинг Ф.И.Ш., туғилган санаси, ЖШШИР, яшаш манзили ва телефон рақами киритилади. Юридик шахс бўлса, ташкилотнинг тўлиқ номи, давлат рўйхатидан ўтган санаси, манзили, СТИРи ҳамда раҳбарининг Ф.И.Ш. ва телефон рақами қайд этилади.

Шунингдек, тизимда ҳайвоннинг идентификация рақами, бирка ёки микрочип каби воситалар, ҳайвон ҳақидаги маълумотлар, сақлаш ёки кўпайтириш мақсадида чет элдан келтирилган бўлса, унинг Ўзбекистонга олиб кирилган санаси ҳам сақланади.

Бундан ташқари, ҳайвон сўйилганда, нобуд бўлганда, йўқ қилинганда ёки мамлакат ҳудудидан олиб чиқилганда бу ҳақдаги маълумотлар ҳам базага киритилади. Тизимда профилактика тадбирлари, ташхис ва даволаш ишлари ҳақидаги маълумотлар ҳам юритилади.

Фуқаролар жонзотларни идентификация учун бирор идорага бориши шарт эмас. Ҳар бир маҳаллага бириктирилган ветеринария участкаси шифокорлари кўчама-кўча юриб, босқичма-босқич идентификация қилишади.

Жараён кўп вақт талаб қилмайди. Фермер хўжаликларида ҳайвонлар бир жойда сақлангани учун иш тезроқ кечади. Аҳоли хонадонларида эса асосий вақт ҳайвонни ҳаракатланмайдиган ҳолатда ушлаб туришга сарфланади. Биркани тақиш ўртача 2-3 дақиқа, электрон базага маълумот киритиш эса тахминан бир дақиқа вақт олади. Умуман олганда, битта ҳайвонни тўлиқ идентификация қилиш учун ўртача беш дақиқа етарли.

Ҳисоб-китобларга кўра, бир ветеринария участкаси ходими бир иш кунида ўртача 32 бош чорва ҳайвонини идентификация қилиши мумкин. Кўп ҳолларда эмлаш ва идентификация ишлари бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Яна бир гап. Олис ҳудудларда интернет йўқ, борларида ҳам секин ишлайди. Улар учун эса офлайн режим жорий этиляпти. Маълумотлар жойида киритилиб, интернет пайдо бўлгач, автоматик равишда базага юкланади.

– Қаровсиз, дайди ҳайвонлар масаласи нима бўлади? Бу борада ҳам қандайдир режалар борми?

– Қонунда идентификация жисмоний ва юридик шахслар томонидан парваришланаётган ёки кўпайтирилаётган ҳайвонларга нисбатан қўлланиши белгиланган. Шунинг учун эгасиз ҳайвонлар тўғридан-тўғри ушбу тизимга кирмайди. Бироқ бошпанага олинган ва юридик шахс тасарруфида сақланаётган қаровсиз ҳайвонлар мурожаат асосида бепул идентификация қилинади.

Ҳайвонларни идентификация қилиш бепул амалга оширилади.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
тайёрлади

Коррупция – иллат

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Коррупция иқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши, давлат органлари ва молия муассасаларига нисбатан жамоатчилик ишончини сусайтириши билан хавфлидир. Шу боис мазкур иллатнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш омилларини бартараф этиш ва профилактика чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ОЧИҚЛИК ВА ИШОНЧНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

«Ўзсаноатқурилишбанк»да ҳам коррупцияга қарши курашиш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2025 йил 21 апрелдаги «Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ, банкда коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси ташкил этилган бўлиб, у тўғридан-тўғри Банк кузатув кенгашига бўйсунади.

Мазкур бўлинма томонидан коррупциявий хавфларни аниқлаш ва бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, ички назорат механизмларини такомиллаштириш ҳамда жамоада коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳридаги хизмат кўрсатиш тармоқларида ходимлар учун мунтазам тарғибот ва профилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Уларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий оқибатлари, касбий фаолият ва банк нуфузига салбий таъсири ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилмоқда.

Коррупцияга қарши курашишда рақамлаштириш ҳам муҳим ўрин тутади. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида банкда рақамли хизматлар кўлами кенгайиб, инсон омилини камайтиришга хизмат қилаётган замонавий ечимлар жорий этилмоқда.

Хусусан, «SQB BUSINESS» ва «SQB Mobile» иловалари орқали мижозлар банкка ташриф буюрмасдан, сутканинг исталган вақтида асосий банк хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга. Бугунги кунда ушбу платформалардан фойдаланувчилар сони 3,2 миллиондан ошган. Улар орқали 12 триллион сўмдан зиёд тўловлар амалга оширилди, онлайн микроқарзлар ҳажми эса 70 фоизга ўсди. Бу эса хизмат кўрсатиш жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Банкда коррупциянинг олдини олиш нафақат назорат механизмлари, балки ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали ҳам таъминланмоқда. Учрашувлар, семинарлар ва тарғибот тадбирларида ҳалоллик, қонун устуворлиги ва хизмат интизоми тамойиллари кенг тарғиб қилинмоқда.

Шунингдек, ходимларнинг Одоб-ахлоқ кодекси ҳамда ички меъёрий ҳужжатларга риоя этиши устидан доимий мониторинг олиб борилади. Банк биноларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни тарғиб қилувчи ахборот материаллари ва кўргазмали воситалар жойлаштирилган.

Коррупция ёки манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида тезкор хабар бериш учун банкда қулай алоқа каналлари йўлга қўйилган. Жумладан, «Ишонч телефони», расмий веб-сайтдаги махсус мурожаат шакли ҳамда Telegram чат-боти орқали 24/7 режимида мурожаат йўллаш имконияти мавжуд.

Коррупцияга қарши курашиш – бу бир марталик тадбир эмас, балки доимий ва тизимли жараёндир. Банкимизда очиқлик, шаффофлик ва ҳалоллик тамойилларини мустаҳкамлаш, мижозлар ва ҳамкорлар ишончини янада ошириш йўлидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жаҳонгир ҚУДРАТОВ,
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш гуруҳи ходими

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Қибрай тумани кенгаши ҳисобчиси Дилдора Комиловага турмуш ўртоғи

Маҳмуджон КОМИЛОВ

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Теҳрон кескинликка тайёр

Эроннинг қатъий сиёсат тарафдорлари АҚШ ва Исроил билан можаро янада кенгайиши эҳтимолига тайёргарлик режасини ишлаб чиқди. Бу ҳақда «The Wall Street Journal» Эрон ва араб давлатлари расмийларига таяниб хабар бермоқда.



Теҳрондаги қаттиққўл доиралар раҳбарлари фикрича, Ҳўрмуз бўғозини қайта очиш ва кескинликни юмшатишга қаратилган июнь келишуви Вашингтон ҳамда Тель-Авивга жаҳон иқтисодиётига босимни камайтириш ва кейинги ҳаракатлар учун вақт ютиш имконини бериши мумкин. Шу боис Эрон раҳбарияти эҳтимолий кенг қўламли тўқнашувга тайёргарликни кучайтирган.

Режада Ислом инқилоби қўриқчилари корпусининг мамлакат мунтазам армияси устидан таъсирини кучайтириш, Эрон-Ироқ уруши ва ички тартибсизликларни бостиришда тажриба орттирган ҳарбийларни муҳим лавозимларга тайинлаш, контрразведка фаолиятини кенгайтириш ҳамда ракета ва дронлар ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш кўзда тутилган.

Дронлар ортидан ядровий хавф

Украинанинг Россия ҳудуди ичкарисидаги нишонларга Британияда ишлаб чиқарилган дронлар билан зарба бериши кескинликни янада кучайтириши мумкин. Жануби-Шарқий Норвегия университети профессори Гленн Дизен Х тармоғида шундай фикр билдирмоқда.



У Британиянинг ушбу қадамини ядровий тўқнашув хавфини кучайтирувчи омил сифатида баҳоламоқда.

Аввалроқ The Times Украина кучлари Британияда ишлаб чиқарилган дронлардан Россия ҳудудидаги узоқ масофали нишонларга зарба беришда фойдалана бошлагани ҳақида хабар берган эди. Нашрга кўра, бундай дронлар нефтни қайта ишлаш заводлари, логистика марказлари ва бошқа инфратузилма объектларига қарши қўлланилган.

Тибада табиий офат

Япониянинг Тиба префектурасида кучли жала ва сув тошқинлари оқибатида тўққиз киши ҳалок бўлди, яна бир киши бедарак йўқолди.

NHK One телеканали хабарига кўра, табиий офат 1 минг 256 та бино ва 1 минг 200 та автомобилга зарар етказган. Қатор йўллар вайрон бўлган, электр ва сув таъминотида узилишлар юзага келган, темир йўл қатновида кечикишлар кузатилган.

Ноқулай об-ҳаво минтақадаги 22 та шаҳар ва аҳоли пунктини қамраб олди. Метеорологлар маълумотига кўра, Тиба шаҳрида ярим кун ичида август ойининг ўртача меъёридан қарийб уч баробар кўп ёғингарчилик қайд этилган.

16 август тонгига қадар 100 нафардан ортиқ киши вақтинча яшаш марказларига эвакуация қилинди. Сув тошқинидан қарийб 600 киши жабрланган.



Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

Ҳожат эмас, ҳаммасини сўзла баён қилмоққа,
бир боқмоқ минг сўздан яхшидир англаганга.
Жалолиддин Румий

Халқаро ҳамкорлик

«ЎЗБЕКИСТОН БИЗНИ МАФТУН ЭТДИ»

туркиялик бир гуруҳ болалар юртимизда саёҳатда бўлишди

Саёҳат инсон хотирасида йиллар давомида сақланиб қолади. Айниқса, у янги юрт, янги одамлар, янги маданият ва ўзингга яқин тарих билан танишиш имконини берса. 10-16 август кунлари Ўзбекистонда саёҳатда бўлган бир гуруҳ туркиялик болалар учун ёзги таътил ана шундай унутилмас хотираларни тақдим этди.



Ўзбекистон ва Туркия касаба уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилган дастур доирасида «Турк Металл синдикати» касаба уюшмаси аъзоларининг фарзандлари юртимизда бўлишди. 26 нафар болажон Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент, қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳарлари ҳамда диёримизнинг сўлим масканларида бўлиб, тарихимиз, маданиятимиз ва бугунги тараққиётимиз билан яқиндан танишишди. Chinobod plaza санаторийсига жойлашган меҳмонлар саёҳатни бош шаҳримизнинг замонавий қиёфаси билан танишишдан бошлашди. Кейинги кун дастурида ҳам бир қатор масканлар қаторида Ислом цивилизацияси марказига экскурсия ва бошқа диққатга сазовор масканларга ташриф ўрин олди.

Айниқса, Ислом цивилизацияси маркази болаларда катта таассурот қолдирди. Бу ерда улар нафақат Ўзбекистон, балки бутун туркий ва ислом оламининг умумий тарихи ҳақида кўплаб янги маълумотларга эга бўлишди. Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан буюк алломалар, уларнинг илм-фан ва инсоният тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида билиб, ўзлари учун янги дунёни кашф этгандек бўлишди.

– Туркиянинг Маниса шаҳридан келдим, – дейди Ада Нурай. – Бу йил 8-синфга ўтдим. 7 йилдан бери профессионал волейбол билан шуғулланаман. Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Ўзи умуман, самолётда ҳам илк бор учдим. Илк саёҳатим Ўзбекистонга бўлганидан жуда ҳам хурсандман.

Ўзбекистон ҳақида олдин эшитгандим, лекин бу даражада чиройли деб ўйламагандим. Келганимиздан буён олган таассуротларим ичимга сиғмаяпти, ҳаммаси жуда ажойиб. Бизни аэропортда гуллар билан қаршилашди, қизил гиламлардан ўтдик. Уйимга борганимдан кейин ўртоқларимга юртингиз тўғрисида гапириб бераман ва чет элга чиқиш ниятлари бўлса, албатта, юртингиз боришлари кераклигини айтаман. Чунки бу ердаги маданият, тарих ва унга бўлган ҳурмат менда жуда катта таассурот қолдирди.

– Туркий халқларнинг тарихи кўпинча тўғри тушунтириб берилмайди. Ислом цивилизациясида эса Ислом тарихи ҳам, Туркий халқлар тарихи ҳам тўғри тушунтириб берилгани менга жуда маъқул бўлди, – дейди делегация кузатувчиларидан бири Хадича Севда Киран. – Биз болаларимизга тарихимизни тўғри англатишимиз жуда муҳим. Ўзбекистонда янги бунёд этилган ушбу марказ бу йўлда жуда катта лойиҳа бўлибди. Масканда тарих замонавий ва таъсирчан тарзда намойиш этилган. Шахсан мен ва болаларимиз учун, айниқса, ислом тарихида бу заминдан етишиб чиққан олимлар ва мутафаккирлар ҳақидаги маълумотлар қизиқ бўлди.

Ўзбекистонга келиб, Самарқандни кўрмаслик мумкинми?

Туркиялик болаларнинг саёҳат дастурида қадимий Самарқандга ташриф алоҳида ўрин эгаллади. Болалар шаҳарнинг энг машҳур обидалари – Регистон майдони ва Мирзо Улуғбек расадхонасида бўлиб, асрлар қаъридан бугунгача етиб келган иншоотларимиз, маданиятимиз билан танишдилар. Регистон майдони улар учун гўё очиқ осмон остидаги улкан тарих китоби бўлди. Улуғбек расадхонаси эса бундан қарийб олти аср аввал бу заминда илм-фан, айниқса, астрономия қанчалик юксак даражада ривожланганини намойиш этди. Самарқанддаги саёҳат Буюк ипак йўли тарихи билан боғлиқ масканлар, муқаддас қадамжолар ва замонавий сайёҳлик манзиллари билан танишувлар орқали давом этди. Болалар ал-Бухорий мажмуасида ҳам бўлиб, буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида маълумотларга эга бўлдилар. Бу ташриф улар учун шунчаки экскурсия эмас, балки ўзлари ўқиб-эшитган тарихни кўз билан кўриш, унинг руҳини ҳис қилиш имкониятини берди. Самарқанддаги саёҳат давомида болалар Дўстлик боғи ва Конигил туризм қишлоғида ҳам бўлиб, юртимизнинг миллий анъаналари, ҳунармандчилиги ва замонавий сайёҳлик имкониятлари билан танишдилар. Самарқанддан Тошкентга эса «Афросиёб» тезюрар поездида қайтиб келишди.

– Ўзбекистон ҳақида илгари мактабдаги дарсларда эшитганман. Лекин бу мамлакат ҳақида яхши билмаган эканман. Мана, энди келиб, кўрдим, англадим. Бизнинг тарихларимиз жуда яқин экан, – дейди истанбуллик 8-синф ўқувчиси Вейсал Кумсал.

– Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги унинг одамлари, деган бўлардим. Чунки қаерга бормайлик, бизни шу даражада иззат-ҳурмат билан кутиб олишдики, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги таҳсинга лойиқ эканига гувоҳ бўлдим. Самарқандни бир сўз билан эртаклар шаҳри, десам, адашмайман. У ерда юрганимда ўзимни эртакнинг ичига тушиб қолгандек ҳис этдим. Миноралар шунчалик муҳташамки, бу тарихдан юртингиз маданият бешиги бўлганини кўрсатади, – дейди Баде Кутлу.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи азалдан меҳмондўстлиги билан танилган. Саёҳат давомида ана шу қадрият яна бир бор амалий ифодасини топди. Меҳмонларга энг яхши шароитлар яратилиб, сафарларнинг мазмунли ва хавфсиз ўтиши таъминланди. Қардошларимизнинг фарзандлари Бўстонликдаги «Анор» болалар оромгоҳида навбатдаги мавсумнинг ёпилишига бағишланган байрам тадбирида иштирок этди. У ерда тенгдошлари билан мулоқот қилди, янги дўстлар орттирди. Юртимизнинг тоғли ҳудудлари табиати ва манзарасини томоша қилиб, Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурлари янада бойиди. Сафарнинг сўнгги кунларида эса Касаба уюшмалари тарихи ва Политехника музейларида бўлишди. Кечки дастурда Тошкент Сити ҳудудида сайр, маданий тадбир, яъни турли кўргазмали чиқишлар ва мушакбозлик бўлиб ўтди.

Шундай қилиб, юртимиздаги ўтган ҳар бир дақиқа болажонларда катта таассурот қолдирди. Тарих, илм ва маданиятга ҳамоҳанг дастур давомида улар дам олишга ҳам улгуришди, ҳис-ҳаяжон тўла ҳайрат туйғулари билан ҳам юзлашишди. Таассуротларни ўз юртига қайтгач, дўстлари, ота-оналари ва яқинлари билан бўлишишини айтишди. Лойиҳа икки давлат ҳамкорлигини мустаҳкамлабгина қолмай, ўзбек ва турк халқлари болаларини бир-бирига янада яқинлаштирди. Зеро, юртни таниш унинг тарихини билишдан бошланса, унга муҳаббат одамларини танишдан бошланади. Саёҳат ниҳоясида бир гуруҳ турк ёшларининг қалбида Ўзбекистонга улкан муҳаббат пайдо бўлганини кўрдик ва шубҳасизки, у ҳали яна кўпкўп ёшларга юқади.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Яна келишни истайман



Эмбие ЧАЛИШКАН:

– Ўзбекистон менга жуда ёқди. Одамларнинг очиқ чеҳралиги, меҳмонга яхши муносабатда бўлиши жуда таъсирлантирди. Айланган жойларимизда тарихий обидаларга ҳурмат билан қаралиши, тоза тутилиши жуда хуш ёқди. Оилам билан яна Ўзбекистонга келишни истайман.

Бу ердан кетгим келмаяпти



Эйлул ГЁЛ:

– Ўзбекистон менга жуда ёқиб қолди. Самарқанд ҳам, Тошкент ҳам. Тўғрисини айтсам, кетгим келмаяпти. Таомларингиз ҳам манзур бўлди. Ош, сомса, қиймали кабобни маза қилиб тановул қилдик. Барчаси учун ташкилотчиларга раҳмат айтаман!

Муҳташам масканни зиёрат қилдик



Атакан ГЕЖЕЛАР:

– Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Аввал келганимда Имом Бухорий мақбараси таъмирда эди. Бу гал зиёрат қилиш насиб этди. Жуда муҳташам, дунё мўъжизасидек маскан бўлибди. Ислом тарихини шундай чиройли кўрсатиб берган учун Президент Шавкат Мирзиёевга ташаккуримизни билдирамиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари масъуллари бизни аъло даражада кутиб олишди. Уч нафар етакчи болаларга бошчилик қилиб юрибмиз, ота-оналар ҳам жуда хурсанд. Ҳар дақиқада уларга видео ва расмлар юбориб туribмиз. Ўзбекистонликларни ҳам Туркияга таклиф қилиб қоламиз.

Ҳар лаҳзамиз қизиқарли ўтди



Умут Зохир БАЛТАЧЕ:

– Саёҳатимиз давомида тарихий масканлардан тортиб, Политехника музейи, Тошкент Сити паркида ҳам бўлдик. Техника ва автомашиналарга қизиққаним боис Политехника музейини жуда катта қизиқиш билан айландим. Шаҳарнинг 50-60 йил олдинги инфратузилмаси акс этган видеолавҳа ва расмларни томоша қилдик. Бу ерда ўтган ҳар бир кунимиз ва лаҳзамиз қизиқарли бўлди.

Бунинг учун ташкилотчилардан беҳад хурсандмиз. Саёҳат давомида олган таассуротларимиз биз учун ниҳоятда муҳим бўлиб қолади.

Ўз юртимда юргандекман



Эмир ПАКСОЙ:

– Менда тарихий обидалар катта таассурот қолдирди. Ўзбек миллий меъморчилигининг ажойиб намуналари билан танишдим. Жуда гўзал. Одамлар ҳам самимий. Ҳеч бегонасирамадим, худди ўз юртимда юргандек ҳис қилдим.

Билимларимиз бойиди



Белинай УСТА:

– Ўзбекистонга сафаримиз таассуротларга бой бўлди. Аввалига Ислом цивилизацияси маркази ҳамда кўҳна Самарқандда юртингиз тарихи билан яқиндан танишган бўлсак, кейин Касаба уюшмалари тарихи музейида соҳанинг юзага келиши, унинг илк етакчилари ким бўлгани тўғрисидаги маълумотларга эга бўлдик. Билимларимиз бойиганидан хурсандмиз.

Бу заминда кўрганларимиз хотирамиздан мустаҳкам жой олиб, бизга бир умр ҳамроҳ бўлишига ишонаман.





Жасурбек СОЛИКОВ олган суратлар



ЭЪЛОН

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан «O'zbekiston MTRK teleradiomarkazi» DM Тошкент телемарказининг Кийим сақлаш ва гримчилар сектори гримёр-пастижёри Рустамов Илхом Истам ўғли номига берилган №001-сонли вақтинчалик рухсатнома ҳужжати йўқолгани сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharriming birinchi o'rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulruxbegim ODASHBOYEVA

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 22:30
Topshirildi – 23:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 006 ta
Shundan: 6 521 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 294 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-811**
1 2 3 4 5 6